# «ИСЛОМ ПАРТИЯСИ»НИ ТУЗИШ КИМГА ВА НИМА УЧУН КЕРАК БЎЛИБ ҚОЛДИ?

**● Қайта қуриш мамлакатимизга мусаффо тонг шабадасини олиб келди. Унинг ҳавоси етмиш йилдан кўпроқ вақтдан бери қурум босган кўнгилларни очиб юборди. Одамлар биринчи марта эркин нафас ола бошладилар. Ҳаётимизга чинакам ошкоралик, демократия, эркинлик кириб келди.**

Маъмурий буйруқбозлик занжирлари парчаланиб кетди. Унинг ўрнига халқнинг орзу-ниятлари ушаладиган ҳақиқатни бор овоз билан баралла айтадиган, оқни оқ, қорани қора дейдиган, яъни ҳамма нарсани ўз номи билан атайдиган яхши замон келди. Минг қатла шукурки, эндиликда қайта қуриш меваларини ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз: бундан йигирма-ўттиз йил эмас, қайта қуришдан олдинги тўрт-беш йилда ҳам ҳақиқатни бундай ошкора айтиш у ёқда турсин, ҳатто ўйлашга ҳам юрак бетламас эди. Таъқиблардан чўчиш эса одатдаги бир ҳолга айланганди.

Лоақал виждон эркинлигини олиб кўрайлик. Келин-куёвларга никоҳ ўқитиш, кўпчилик олдида, яъни тўй-маърака ва маросимларда юзга фотиҳа тортиш, масжидга бориб намоз ўқишга ҳадиксираш ҳам ҳолва экан. Негаки, яқин кишиси, ҳатто қариндош-уруғ, ака-ука қазо қилганида жанозада қатнашгани учун партия сафидан ўчирилган кишиларни кўрмадикми? Энди-чи? Шукр, ундай замонлар сира ҳам қайтмас бўлиб ўтиб кетди. Халқимиз қайта қуриш шарофати билан ўзига берилган эркинликларнинг шоҳиди бўляптими? «Ойнаи жаҳон»да ийд-рамазон ҳайити кўрсатилганида ва у яна такрорий намойиш қилинганида халқимиз кўнгли тоғдай кўтарилди. Масжид қуриш у ёқда турсин, борлари ҳам бузиб ташланган даврларни бир эслайлик. Энди-чи. Республикамизда икки юздан ортиқ янги масжид қурилди, кўплари қайта таъмирланди. Бугина эмас, беш юз нафар фуқаронинг ҳажга бориб келгани, Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари Диния бошқармасининг ярим ойлик диний-ижтимоий «Ислом нури» жаридаси нашр этила бошлангани, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида» СССР Қонуни қабул қилинганлиги, «Қуръон» таржимаси тарихда биринчи бор «Шарқ юлдузи» журналида ўзбек тилида чоп этилаётганлиги, «Қуръон» оятлари ёзилган пластинка чиққанлиги, Муҳаммад пайғамбар ҳадисларининг ахлоқ-одобга оид намуналари нашр қилингани, диний жамоаларнинг телевидение ва радиода эркин чиқишлари, дуою тиловатлари, ҳатто, уларнинг СССР ва Ўзбекистон ССР халқ депутатлари, маҳаллий Советларнинг депутатлари этиб сайлангани ва бошқа шу каби мисоллар қайта қуриш самаралари эмасми? Динга қарши ҳуруж бўлган пайтлар билан ҳозирги давр ер билан осмонча фарқ қилади!

Ўзбекистон ССР Президентининг меҳр-мурувват, етим-есирларга эътибор кўрсатиши, кам даромадли кишилар тоифасини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва ногиронлари, байналмилал жангчиларга, кўп болали оналарга моддий ёрдам, врач ва ўқитувчиларнинг маоши ошиши, бошланғич синф ўқувчилари учун бепул нонушта бериш, аҳолига томорқа ерлари ажратиш, чорва моллари ва улар учун ем-хашак сотиш тўғрисидаги қатор фармонлари халқимиз фаровонлигини оширишга қаратилган муҳим қадамлар бўлди.

Биз бугунги кунда амалга оширилаётган ва халқимиз миннатдор бўлиб, дилдан севинч билан кутиб олган хайрли ишларнинг ҳаммасини ҳам санаб ўтмоқчи эмасмиз. Булар республикамиздаги ҳар бир фуқарога аён. Халқимизни хурсанд қилаётган шундай яхши тадбирлар амалга оширилаётган бир пайтда кўпчиликни ташвишга солаётган жиддий бир ҳолат ҳақида ошкора ва холисона сўз юритмоқчимиз.

Маълумки, мамлакатимиз, шу жумладан, республикамиз ҳозир оғир даврни бошдан кечирмоқда. Бугунги кунда йиллар давомида йиғилиб қолган ижтимоий-иқтисодий, миллий, диний муаммолар жумҳуриятимизда ўз ечимини босқичма-босқич топмоқда. Шароит биздан мавжуд қийинчиликларни бартараф қилиш учун ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ ақл-заковатли, сабр-тоқатли бўлишни тақозо этмоқда. Бу халқимиз учун биринчи синов эмас, у бундай қийинчиликларни жуда кўп бор енгган, бу сафар ҳам шундай бўлишига ҳеч кимда шак-шубҳа йўқ. Чунки, ниятимиз — бир-биримиз билан аҳил бўлиб, бир-биримизни қўллаб-қувватлаш, халқимизнинг ҳаётини бадастур қилиш.

Бугунги ва эртанги кунга ишонч руҳида гапираётганимиз боиси шундаки, халқимизда ўзаро бирлик, жамоатчилик ҳиссиёти кучли, бу эса ҳеч қачон, ҳеч кимни доғда қолдирмаган. Зеро, бир заминда яшаб, тақдиримизни маҳкам боғлаган эканмиз, бугунги кунимиз ва келажагимиз ҳақида ҳам қайғуришимиз зарур.

Ҳаммамизга маълумки, ҳар қандай эзгу ишнинг ибтидосида, албатта, фотиҳага қўл очиб, юртимиз ва халқимиз тинч бўлсин, деймиз. Бу гапнинг тагида жуда катта маъно борлигини ва у миллий ахлоқ белгиси эканлигини унутмаслигимиз керак.

Умуман, миллатимизга, диёнатимизга хос бўлган инсоний фазилатлар ҳамиша ҳаётимизни безаб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолишига шак-шубҳа йўқ. Чунки, бунинг бунёдкори ҳам, эъзозлаб сақловчиси ҳам халқимиздир. Лекин мамлакатимиз бошидаги таҳликали кунларда эл учун зарур бўлган, унинг дардига малҳам бўладиган ўз хизматимизни ҳаммамиз ҳам тўғри ва виждонан бажаряпмизми? Сўз ва иш бирлигига амал қиляпмизми?

Мамлакатда иқтисодий қийинчиликлар ва турли хил тангликлар юз бериб турган кейинги йилларда республикамиз раҳбарияти амалга ошираётган хайрли ишларнинг рўёбга чиқарилиши жумҳуриятдаги барча қийинчиликларни ҳам бирданига ҳал қилиш имконини бермайди, албатта. Бунинг учун жамиятимизда фуқаролик бирдамлиги ва бу бирдамликнинг яхши ният ва мақсадлар сари дадил ҳаракати ҳам керак.

Лекин, афсуски, буни ҳамма ҳам тўғри тушунаётгани йўқ. Баъзилар ҳатто уни тушунишни ҳам хоҳламаётирлар. Шундай экан, давлатнинг диний муассасаларга, диндорларга бўлган ижобий муносабати тўғрисида айтиб ўтиш лозим. Бу ерда гап бир неча йилдан бери диний эътиқодимизда содир бўлаётган низо-ихтилофлар ҳақида бораётир. Масаланинг мураккаблиги шундаки, айрим шахслар бу ихтилофлардан ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланиб, ислом ақоиди асосларини чуқур ҳис этмаган ҳолда ихтилоф йўлига қадам босмоқдалар.

Бўлаётган воқеалар кимнинг ким эканлигини янада очиқ кўрсатяпти. Халқимиз шу кунлардаги қийинчиликларимиздан фойдаланиб, жамиятда сиёсий, диний, миллий низо уйғотишга интилаётган кимсаларнинг кирдикорларини тобора кўпроқ билиб олмоқдалар.

Айрим норасмий уюшмалар раҳбарларининг хатти-ҳаракати шундан далолат беряптики, улар ҳозиргача оммани чалғитиш учун найрангбозлик йўлига ўтиб олиб, энди диндор-сиёсатчилар билан ўзаро бирлашишга, бир-бирларини қўллаб-қувватлашга, зимдан тил бириктиришга киришмоқдалар. Улар диндорларга яхшиликни раво кўриш мақсадида эмас, балки улардан ўз мақсадлари йўлида фойдаланиб қолишга ҳаракат қилмоқдалар. Бу гап шу кунларда диний Ислом партиясини ташкил қилмоқчи бўлган одамлар билан бирлашиб, ўз фаолиятини қайта жонлантиришга интилаётган, лекин ўзлари хилма-хил гуруҳларга парчаланиб, бирон ижобий йўл топа олмаётган норасмий ташкилотларнинг раҳбарларига тегишлидир.

Ҳолбуки, диндорларнинг фикрини ифода этувчи Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонларининг Диния бошқармаси Ислом партиясининг ташкил этилишига қаршилигини ўз вақтида билдирганди. Ўз юрти ва халқи учун жон куйдираётган кўпчилик холис кишилар ҳам динни ва жамиятимиздаги сиёсий ҳаракатларни ўз шахсий манфаати йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган кимсалардан тозалашни талаб қилмоқдалар.

Энди эътиборингизни бир мисолга қаратмоқчимиз. СССРнинг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунига асосланиб, 1990 йилнинг 17 декабрь ва 1991 йилнинг 12 январь кунлари «Ислом уйғониш партияси» деб аталмиш уюшма вакиллари А. Ўтаев, А. Каримов, Н. Шокиров ва бошқалар шу йилнинг 26—27 январь кунларида Тошкент шаҳар халқ депутатлари Совети ижроия комитетида Тошкентда шу партиянинг республика таъсис мажлисини ўтказиш тўғрисида рухсат сўраб, мурожаат қилдилар. Бироқ Тошкент шаҳар ижроқўми 22 январь куни Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатининг 1988 йил 19 августдаги, 1990 йил 21 февралдаги қарорларига биноан ҳамда Тошкент шаҳар Советининг 1989 йил 1 апрелдаги қарорига асосланиб, бу илтимосни рад этди.

Шунингдек, юқорида номлари тилга олинган норасмий уюшма ташкилотчилари халқ депутатлари Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси ва шаҳар прокуратурасига ҳам таклиф этилиб, йиғилиш ва митингларни ташкил қилиш ва уларни ўтказиш ҳақидаги тегишли қарорлар билан таништирилдилар. Улар бу қарорларга риоя қилишмаган тақдирда қонун йўли билан тегишли жавобгарликка тортилажаги уқтирилди. Аммо бу уқтиришлар кор қилмади. Шу йилнинг 26 январь куни соат 8 да Тошкент шаҳар Фрунзе районида жойлашган Тўқимачилар маданият саройида рухсат этилмаган тадбирни ўтказиш учун 300 дан кўпроқ киши тўпланди.

Шу ўринда савол туғилади: Хўш, ушбу йиғинни ўтказишга ким ҳомийлик қилди?

Йиғилганларга бу ҳаракатнинг ғайри-қонуний эканлиги тушунтирилиб, улар осойишталик билан тарқатилдилар. Юзлаб одамларни ўзларига эргаштирган Дониёр Жабборов, Абдулла Ўтаев, Адҳам Каримов, Абдураҳим Пўлатов, Абдулла Юсуповларга эса суд ҳукми билан 100 сўмдан 1000 сўмгача жарима солинди. Уларнинг бу ниятлари оқибатларига тушунмай бу ерга келган юзлаб кишилар эса огоҳлантирилди.

Шуниси ажабланарлики, рухсат этилмаган бу тадбирга фақат Андижон, Наманган ва Тошкент шаҳарларидангина кишилар қатнашиб қолмай, балки мамлакатнинг турли ҳудудларидан ҳам вакиллар иштирок этишди.

Юртимизнинг шундай нотинчлиги пайтида турли миллий ва диний оқимларга бўлинишнинг кимга кераги бор? Бундан муддао нима ўзи?

Республикамизда тарқалаётган миш-мишлардан муштарийлар хабардор бўлсалар керак. Баъзи бировлар вужудга келаётган ҳар хил муаммоларни диний-сиёсий партиялар тузиш йўли билан ҳал қилиш мумкин, деб ишонтиришга уринмоқдалар. Бундай кишиларни бир нарса бирлаштириб турибди. У ҳам бўлса — ҳокимиятга интилиш ва бу йўлда ҳеч нарсадан тап тортмасликдир. Улар диндорларни бўлиб-бўлиб юбориб, бир-бирига қарши қилиб қўйишга уринишяпти. Улар мамлакатимизда кўп партиялилик қарор топаётганидан фойдаланиб қолиш, ўз мақсадларига эришиш учун ҳатто қадриятларимизни ерга уришдан ҳам қайтмаяптилар. Шу кунларда халқ орасида дин, эътиқод номи билан одамларни турли хил сиёсий йўлларга буришга интилаётган шахслар, гуруҳлар республикамизда ғайри-қонуний иш олиб бораётганликлари сир эмас.

Ҳозир «янгича партия»ни талаб қилиб чиқаётган шахслар, гуруҳлар фаолиятига тегишли баҳо бериш зарур, албатта. Бу тўғрида жумҳуриятимизнинг илм, дин аҳллари, қолаверса, кенг жамоатчилик ўз фикрларини айтишлари керак. Шунингдек, халқ ўртасида ҳозирнинг ўзидаёқ пайдо бўлган баъзи фикрлар ва хавотирликлар тўғрисида тўхталиш ҳам жоиздир.

Маълумки, диний эътиқод деганда маълум бир диннинг талабларини бажариш ва унинг илоҳий таълимотларига сидқидилдан ишониш тушунилади. Мусулмонлар динга ишонувчи киши сифатида бирон-бир уюшмага, сиёсий оқим ёки партияга муҳтож эмаслар. Зеро, мусулмонларнинг барчаси Оллоҳнинг бандаси бўлгани сабабли, ижтимоий-сиёсий манфаатлари мос келмайдиган гуруҳларга ажралиб, ўз манфаатини ислом дини номи билан ниқоблаши ислом ақоидига тамомила зиддир.

Бу фикрни хорижий шарқ мамлакатларида ислом дини билан сиёсатнинг ўзаро таъсири ва бугунги кундаги аҳволи мисолида ҳам тасдиқлаш мумкин. У мамлакатларда ҳам диндан сиёсий йўлда фойдаланишга кўп уринишлар бўлган ва бу нарса бугун ҳам давом этиб келмоқда. Ўша ерларда уларнинг мақсадларини билган ҳолда руҳонийлар, диндорлар, давлат ҳам уларга қарши курашади.

Бунга яққол мисол қилиб ислом фундаментализмининг ўта ўнг сиёсий оқими бўлган «Мусулмон биродарлари» партиясини кўрсатиш мумкин. Айтиш керакки, бу партия диндорларнинг оғир аҳволи ва ечилмаган муаммоларини қурол қилиб, кўп мамлакатларда катта сиёсий тўқнашувлар келиб чиқишига сабабчи бўлдилар. «Мусулмон биродарлари» партияси ўз сиёсий дастурида халққа қанчалик ваъдалар бермасин, ўз сўзи уддасидан чиқмади, чиқиши ҳам мумкин эмас эди. Чунки сиёсат, иқтисод, дин, маданият тушунчалари қанчалик бир-бири билан боғлиқ бўлмасин, бу соҳадаги муаммоларни ҳал қилишнинг ўз қонуниятлари, ўз хусусиятлари бор. Уларни шовқин-суронлар билан, сиёсий-диний экстремизм йўли билан ҳал қилиб бўлмайди.

Биз халқимизнинг диний эътиқодларини ғоятда ҳурмат қиламиз, уни умуминсоний маданиятнинг улкан бўлаги, деб қараймиз. Боиси — динга ишонувчи миллионлаб юртдошларимиз ўз ҳалол меҳнатлари билан юртимиз фаровонлигини таъмин этмоқдалар, жамиятимизни поклаш ишига ўзларининг катта ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Шунинг учун кўпчиликнинг динга самимий эътиқодини диндан ўз манфаатлари йўлида фойдаланаётганлар билан аралаштирмаслик ва бу йўлдаги ғаразли мақсадларга қарши курашиш лозим.

Ислом партиясини тузмоқчи бўлганларнинг кирдикорлари ортида нималар яшириниб ётибди? Шуни айтиш керакки, бу диний оқим мақсади социалистик тузумни ағдариб, унинг ўрнига теократик диний давлат тузишдан иборат. Бу ерда кимнингдир қўли борлиги аниқ. Биламиз, бу ҳаракатлар илдизи Москвагача чўзилган. Бу у ердаги Октябрь район ижроия қўмитаси раиси Заславский томонидан қайд этилган ислом партиясидир. Заславскийнинг бунчалик жон куйдиришининг боиси нимада экан? Қачондан бери у Ислом ва мусулмонлар ҳимоячиси бўлиб қолди экан? Ҳозирча бу бизга жумбоқ.

Ана шу тузилмоқчи бўлган ислом партиясининг раиси Актаев ва унинг муовини С. Гадоевлар-чи? Бу шахслар Ўзбекистон суверен республика эканлигини ва унинг қонунларини оёқ ости қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқлигини билишлари зарур эди. Улар яна шуни ҳам билишлари керакки, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги СССР Қонунида «Диний ташкилотлар сиёсий партиялар фаолиятида қатнашмайди», деб белгилаб қўйилган. Холисона мулоҳаза қиладиган бўлсак, жамиятимиз олдидаги вазифаларни диний ва миллий бўлиниш йўли билан эмас, аксинча, жумҳуриятимизда яшаётган барча халқларнинг диний, миллий хусусиятларидан қатъи назар, уларнинг сиёсий бирлиги, бир-бирига ишончи ва ёрдами асосидагина ҳал қилишимиз мумкин. Бу қонуниятни ҳам диний, ҳам миллий нуқтаи назардан англаб олиш ҳар биримизнинг шу кундаги сиёсий вазифамиздир. Қуръони Каримда ҳам, пайғамбар ҳадисларида ҳам одамлар ўртасига низо солиш эмас, уларни бирлаштириш савоб иш эканлиги уқтириб ўтилган-ку!

Қолаверса, қайта қуриш берган виждон эркинлиги, ошкоралик, демократияни чуқурлаштиришни наҳотки ислом партияси тузиш жазавасида юрганлар нотўғри тушунсалар?!

СССРнинг 1990 йил 1 октябрда қабул қилинган «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунида қонун олдида барча диндор ва динга ишонмайдиганларнинг тўла тенглиги, диний эътиқод туфайли адоват ва нафрат қўзғатишни тақиқлаш ҳақидаги фикрлар янада ривожлантирилиб, шундай дейилади: «Ҳеч ким ўз диний эътиқодларини рўкач қилиб, Қонунда белгиланган мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлай олмайди». (4-модда). «Барча динлар ва диний эътиқодлар қонун олдида баравардир». «Диний ташкилотлар амалдаги қонун талабларига ва ҳуқуқ-тартиботга риоя этишга мажбурдирлар». (5-модда).

Диндорлар номидан ўз манфаатини кўзлаб иш тутаётган, ўз сиёсий йўлини ўтказишга ҳаракат қилаётганлар содда кишиларни алдамаяптиларми? Қонун ман этишига қарамай, маҳаллий ҳокимиятдан нега кўра била туриб қонунга зид нарсани талаб қилмоқдалар? Янги сиёсий партия тузмоқчи бўлаётганларнинг ўзлари халққа бирон фойдали ҳиммат кўрсатишганмиди? Улар ўзи ҳақиқий диндорларми?

Муҳаммад пайғамбар: «Ҳамма одамлар — Оллоҳнинг оиласи, шу оила учун энг кўп фойда келтирган киши Оллоҳнинг энг севимли бандаси», деган эдилар. Элу юрт, барча миллатлар, халқлар бирлиги ва аҳиллиги учун жон куйдириш ҳам қарз, ҳам фарз бўлган шу кунларда нега улар ўртамизга нифоқ, аҳилчилигимизга рахна солишга уринмоқдалар. Йўқ, уларнинг нияти республикамиздаги ҳозирги тинч-тотув, баҳамжиҳат, якдил турмуш тарзига зарба бериш экани бизга мутлақо аён. Нафақат Москвада, балки чет элларда софдиллигимиз, якдиллигимиз, порахўрлик, ўғирлик каби иллатларга қарши курашишимизни ёқтирмаган ҳаётимизга ғаразли кўз билан қараётганларнинг қўли бор эмасмикан бунда? Бу саволлар барча зийрак кишиларни ташвишлантирмоқда.

Аммо улар ўз мақсадларига эришиш учун кўп ҳаракат қилган бўлсаларда, халқимиз бунга асло йўл қўймайди. Бугина эмас, бошқа диндаги кишиларнинг ҳам ғайриқонуний хатти-ҳаракатларига йўл қўймаймиз. «Ислом партияси» раҳнамолари бизнинг келажак сари тутаётган оқилона ва хайрли ишларимизга асло тўғаноқ бўла олмайди! Лекин динни ниқоб қилиб олиб, халқнинг ишончини суиистеъмол қилганлар ҳеч қачон муродларига етган эмаслар. Тарихда бундай мисоллар истаганча топилади.

Зеро, эркинликни истаган нарсани қилавериш, деб тушуниш хато эканлигини ҳам эслатиб ўтиш жоиздир. Буюк алломалардан бири ўз ҳамсуҳбатига бу ҳақда шундай деган эди:

— Тўтиқушдек бир сўзга ёпишиб олиб, ҳадеб эркинлик, эркинлик, деб такрорлайверасан, қаерда ўша сен айтган эркинлик, унинг маъноси нимада? Агар ўзинг тасаввур қилган маънодаги эркинликка эришсанг, нима бўлишини биласанми? Ўша эркинлик фалсафий маънода тубсиз бўшлиқ, турмушда, амалда эса — сен ялқов, сарқитхўр бўласан. Сени, ўзинг ўйлаган маънодаги эркин кишини ҳаёт билан, одамлар билан нима боғлаб туради? Мана қушлар эркин, аммо шулар ҳам уя қуради, сен эса уя ҳам қурмайсан. Яхшироқ ўйлаб кўргин-а, эркинлик — охир-оқибатда бўшлиқ, чегарасизлик эканлигини кўрасан-қўясан. Бундан узоқроққа ҳеч ким боролмаган, ҳеч ким. Сен билан бизга йўл бўлсин! Биз ҳаммамиз яқин кишиларимиз олдидаги мажбуриятлардан эркин юришни хоҳлаймиз. Аслида эса худди мана шу мажбуриятларни ҳис этганимиз учун биз одам бўлганмиз. Мана шу ҳиссиётимиз бўлмаганида биз ҳайвонлар бўлиб қолардик.

Ўз манфаатини кўзлаб, «Ислом партияси» тузишга уринаётганлар элу юрт, халқ олдидаги худди мана шу мажбуриятларини ҳис этишяптими? Бу партияни тузиш, умуман, мусулмончиликка тўғри келадими ўзи? Муфти Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф яқинда умуман исломда партия тузиш мантиқсиз нарса эканлигини исботлаб, ислом динининг ўзи партия, Қуръони Карим эса унинг дастури эканлигини таъкидлади.

Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг ҳақиқий мусулмонлари шу ғояни қўллаб-қувватлайдилар.

**Мутолиб УСМОНОВ,**
**Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институти «Қуръон»нинг ўзбекча академик нашрини тайёрлаш гуруҳининг раҳбари, фалсафа фанлари доктори.**

**Ҳамид ИКРОМОВ,**
**СССР Журналистлар уюшмасининг аъзоси.**

**(«Совет Ўзбекистони», 1991 йил 30 январь).**

*● Одамлар эҳтиёжига бефарқ бўлмайлик!*

# САҲОВАТ СОҲАСИ КЕНГ

**ЖУМҲУРИЯТ Ижтимоий таъминот вазирлигининг бир гуруҳ мутахассислари шу йил 15 январда Тошкент вилоятининг Бўка ноҳиясида бир кунлик анъанавий сафарда бўлиб, ижтимоий таъминот бўлимининг меҳнаткашларга ижтимоий таъминот хизмати кўрсатиш соҳасидаги ишлари билан танишди, фуқаролар билан учрашди.**

Сафар пайтида ижтимоий таъминот вазири С. Хўжаева бошлиқ мутахассислар ноҳия меҳнаткашларини қабул қилишган бўлса, бошқа бир гуруҳ ходимлар ноҳиядаги «Ленинизм», «Партия XIX съезди», «Ленин йўли», «Октябрь 40 йиллиги» жамоа хўжаликлари, пахта заводи, халқ таълими бўлими, ноҳия матлубот уюшмаси ва бошқа корхона ҳамда муассасалар меҳнаткашлари билан учрашиб, уларнинг саволларига жавоблар беришди.

Ижтимоий ёрдам бўлими ходимлари эса ноҳиядаги 688 нафар ёлғиз қария ва ногиронга кўрсатилаётган ғамхўрликлар, уларнинг маиший турмушини яхшилаш соҳасида амалга оширилаётган тадбирлар, «Ветеран» дўконларининг фаолияти билан атрофлича танишиб чиқишди.

Шунингдек, мутахассислар вилоят ижтимоий таъминот бошқармасининг ходимлари билан биргаликда уч юзга яқин қария, уруш ветерани, кўп болали оналарга тайинланган пенсия ва нафақа ишларини текшириб, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этишди, бўлим ходимларига фойдали маслаҳатлар беришди.

Меҳнаткашларни қабул қилиш жараёнида шу нарса маълум бўлдики, кўпчилик кекса ногиронлар, кўп болали қаҳрамон оналар пенсия пулини ошириш тўғрисида эмас, машина олиш учун навбатда туришганлари, уни ололмаётганликларидан шикоят қилиб келишган эди. Бу бир томондан кишини қувонтирса, иккинчи томондан ўйлашга мажбур этади. Хурсанд қиладиган томони шундаки, кишида одамлар унчалик камбағал эмас, ҳатто машина сотиб олишга ҳам етарли маблағи бор, деган фикр туғилади. Ўйлантирадиган томони шуки, баъзи оилалар болаларининг ризқини қийиб, емай-ичмай, ҳавоий орзу-ҳаваслар кетидан қувиб машинага пул тўплашмоқда.

Масалан, ўн бир боланинг онаси бева Нури Маннопова атиги 70 сўм пенсия олса ҳам болаларига машина олиб бериш ҳаракатида юрибди. Улуғ Ватан урушининг қатнашчилари А. Аҳмедов, А. Раимқулов, О. Ўрунова, Ғ. Ғофуров, қаҳрамон она М. Аҳмедова, қарилик пенсионери С. Илёсовалар ҳам машина олиш навбатини тезлаштиришни илтимос қилиб келишган. Бундай кишилардан «Сиз аввало ўз соғлиғингиз ҳақида ўйлаб кўрдингизми, фарзандларингизнинг келажаги қандай бўлади», деб сўраб ўтиришнинг ўзи бефойда. Чунки уларнинг фикри-зикри тезроқ машиналик бўлиш.

Қабулга келган пенсионерларнинг кўпчилиги фахрийларга бириктирилган дўконларда маҳсулотлар мунтазам берилмаётганидан шикоят қилишди. Айниқса, кексалар дидига мос, арзон нархдаги кийим-кечакларнинг йўқлиги, гўшт маҳсулотларининг камдан кам ҳолларда истеъмолга чиқарилаётганлиги пенсионерларни кўпроқ ташвишлантирмоқда.

Ўзбекистон ССР Президентининг Фармонига кўра ноҳия жамоа хўжаликларида пенсияга чиқаётган қариялар, ногиронлар, I гуруҳ уруш фахрийлари талайгина имтиёзлардан фойдаланмоқдалар. Ижроқўмнинг қарорига кўра 23 нафар I гуруҳ уруш ногирони, 4 байналмилалчи жангчига ҳар ойда 50 сўмдан қўшимча қўшиб берилмоқда. Ноҳия бўйича 423 пенсионерга ички пенсия тайинланган. Жумладан, «Ленин йўли», Ҳамза номли, «Октябрь 40 йиллиги», «Коммунизм», «Ленинизм», «XIX партсъезди» жамоа хўжаликларида кўпгина деҳқонларга ой сайин 20 сўмдан 50 сўмгача, 122-сонли автокорхонада 10 нафар пенсионерга 50 сўмдан 70 сўмгача ички пенсия тўлаб келинмоқда.

Шу нарса ачинарлики, бундай хайрли тадбир ноҳиядаги бошқа саноат корхоналари, муассасалари фаолиятига тадбиқ этилмаган. Ноҳия пахта заводида ҳозирги кунда 600 дан ортиқ ишчи-хизматчи, шундан 30 нафар пенсионер фаолият кўрсатмоқда. Уларга ҳар байрам кунлари турли совғалар, пул сийловлари, пенсияга чиқаётганларга эса кийимлик матолар берилади. Бироқ заводда кўп йиллар меҳнат қилиб пенсияга чиққан, ҳозир эса оз миқдорда пенсия олиб келаётган собиқ ишчилар пенсиясига қўшимчалар қўшиб берилмаяпти. Маблағлар етарли, аммо бу ишга ҳафсала йўқ. Завод директори Баҳром Абдуллаевнинг эътибори ана шу ҳаётий муҳим масалага қаратилди. У киши бу ишни зудлик билан қўлга олажагини, яқин кунларда илгари қарилик пенсиясига чиққан, камида 10 нафар кишининг пенсиясига қўшимчалар қўшилишини айтди.

Шуниси ачинарлики, пенсионерлар ишлаб кетган ташкилотлар, корхоналар ўзларининг собиқ ишчи-хизматчиларидан хабар олишмайди. Масалан, вилоят касалхонасида 20 йилдан ортиқ меҳнат қилган, ҳозир эса ёлғиз қолган Э. Пистерга неча йилдан бери на моддий, на маънавий ёрдам берилмай келинмоқда. Бундай мисолларни бошқа ташкилотлардан ҳам кўплаб келтириш мумкин.

Ижтимоий таъминот вазирлиги ходимлари шу куни ўттиздан ортиқ пенсионер, кўп болали она, уруш ногиронлари уйларида бўлиб, уларнинг турмуш шароити, яшаш тарзи билан яқиндан танишишди, зарур ҳолларда моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишди.

Мана, Пушкин кўчасидаги 7-уйда яшовчи шахсий пенсионер Ҳидоят ая Ёрова хонадони. Уч хонали кичик-кичик уйда 11 жон истиқомат қилмоқда. Онахон 80 ни қоралаб қолган. Болаликдан ақли ноқис 2 ногирон, бир меҳнат ногирони, келин ва невaралар яхши иситилмаган хоналарда жунжикиб ўтиришибди. Ўтин-чўпдан дарак йўқ. Уч йилдан бери кўмир «навбати» бу оилани четлаб ўтади. Оила ногирон болаларнинг 70 сўмдан пенсияси-ю, ноҳия матлубот уюшмасида қурувчи бўлиб ишлаётган тўнғич фарзанднинг ойлиги билан тирикчилик қилишади. Бунинг устига онахоннинг пенсияси турли сабабларга кўра уч ойдан бери келмай қўйган экан. Биз бу хонадондан қалбларимиз музлаб, туйғуларимиз жунбушга келиб чиқдик.

Ойбек кўчаси, 28-уйда яшовчи Мажид Мадаминовлар оиласида 11 фарзанд вояга етди. Она фарзандлари туфайли ёлчитиб ишлай олмади. Бор-йўғи 9 йил иш стажи орттирди. Ота бўлса пахта заводида ишлаб 1987 йилдан қарилик пенсиясига чиқди. 1991 йил 1 январдан 125 сўм пенсия олиб турибди. Онага эса тегишли Фармонга мувофиқ 60 сўм тўлиқсиз пенсия тайинланган. Албатта, бу маблағ билан оила тебратиш қийин.

Улуғбек кўча 70-уйда истиқомат қилувчи эр-хотин Забидуллинлар заҳ, иситилмаган уйда истиқомат қилишмоқда, «XIX партсъезд» колхозида ёлғиз она — Абдуллаеванинг уйини таъмирлаб бериш ҳақидаги илтимоси правление томонидан ҳануз бажарилмаган.

Юқоридаги оилаларга моддий ёрдам беришга қарор қилинди. Бу оилаларнинг аҳволи ҳақида ноҳия ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари Рустам Худойқуловга маълум қилинди.

Бир гуруҳ мутахассислар ноҳияда тиббий-меҳнат экспертиза комиссияси ишларининг аҳволи билан танишиб, 1717—03 рақамли вазирлик хатига кўра Ватан уруши ногиронлари кўрикдан вақтида ўтказилмаганлиги, III гуруҳ ногиронларининг ишга жойлаштириш масаласи билан етарлича шуғулланмаганлиги, ногиронликни олдини олиш ва соғломлаштириш ишларининг жуда ачинарли эканлиги, шунингдек Улуғ Ватан уруши ногиронларига оталиқ ташкилотларнинг ғамхўрлиги мунтазам кузатиб борилмаганлиги сабабли I гуруҳ ногиронларидан И. Дибаев, Х. Мовлонов, А. Душабоев, З. Маликовларнинг илтимослари 1990 йил ноябрь ойидан бери бажарилмаганлигини аниқлашди.

Ногиронларни ёшга қараб кўрикдан ўтказиш натижасида I гуруҳ ногиронлари сони 22 тага ортиб кетиши сабабли уларни оталиқ ташкилотларига бириктириб қўйиш ҳақида ижроия қўмитасининг қарори чиқарилган, лекин бу ҳақда оталиқ ташкилотларига маълум қилинмаган. Бўлим бу ўринда катта сусткашликка йўл қўйган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ноҳия ижроия қўмитаси, ижтимоий таъминот бўлими ходимлари кекса пенсионерлар, кўп болали оилалар, ёлғиз кишилар турмушини янада фаровон, янада хушчақчақ қилиш, талаб ва эҳтиёжларини тўлиқроқ қондириш учун бутун имкониятларни ишга солишлари зарур.

Шубҳа йўқки, махсус озиқ-овқат дўконларининг самарали ишлаши таъминланса, саноат моллари дўконларида қариялар дидига боп арзон кийим-кечаклар савдоси уюштирилса, ноҳия марказида ёлғиз кексалар учун бепул иссиқ овқат ташкил қилинса, корхоналар ва колхоз-совхозларда меҳнаткашлар билан тез-тез учрашувлар ўтказиб турилса, 13 минг 900 нафар кишига ижтимоий хизмат кўрсатаётган ноҳия ижтимоий таъминот бўлими ходимларининг ютуқларига ютуқлар қўшилаверади.

**А. МАННОПОВ.**

## ЯНГИ НОВВОЙХОНА

Пойтахтимизнинг Тошкент Совети 50 йиллиги номидаги вагон ремонт заводи ҳудудида янги нoввойхона иш бошлади. Ишчиларга ғамхўрлик қилиш мақсадида завод раҳбарияти ташаббуси билан очилган нoввойхонада ҳар куни 900-1000 донагача оби нон ёпилмоқда.

Мирбахтиёр Тожиев, Зуҳридин, Камолиддин Тошниёзовлар ишчиларга беминнат хизмат қилишаётир. Кейинчалик кунига 2 минг донадан зиёд нон ёпишни режалаштираётган бу кичик жамоа аъзоларига қулай шароит яратилди. Айни кунларда нoввойхона хизматчилари меҳнатидан завод ишчилари, Тошкент трамвай-троллейбус бошқармаси ўқув комбинати, 1-депо ишчилари ҳамда Сариқкўл, Баҳор маҳаллаларининг аҳолиси мамнун бўлмоқдалар.

**И. РУСТАМОВ.**

## ҲАР КИМ ҲАМШИРА БЎЛИШИ МУМКИН

Паркент ноҳия марказий касалхонаси қошида икки ойлик ҳамширалик курслари очилди. Бу касб соҳибларининг ҳар бир хонадон учун кераклигини ҳисобга олсак, курсларнинг ижобий томони беқиёслиги аён бўлади. Биринчидан ўқиш муддати билим юртларидагига қараганда жуда қисқалиги, иккинчидан ҳар бир хоҳловчининг пул тўлаб шу касбни эгаллай олиши — янгиликдир.

Ўқиш ва машғулотларни малакали, тажрибали шифокорлар олиб боришади.

**Т. НИШОНОВ.**

ДАВЛАТ ТИЛИ ҲАҚИДАГИ ҚОНУН АМАЛДА

## ТАРЖИМОНЛАР ҲИССАСИ

Ўзбекистон ССРнинг давлат тили ҳақидаги Қонун қабул қилинганидан бери бир йилдан ошиқроқ вақт ўтди. Белгиланган вазифаларни амалга ошириш борасида кўзга кўринарли ишлар қилинган бўлса-да, уларнинг миқёсини, кўламини янада кенгайтириш, сифатини яхшилаш зарурати ҳамон кун тартибида. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти жамоаси ҳам ўзбек тилининг амалиётга жорий қилинишига турли йўналишларда иш олиб боришмоқда. Айниқса, институт ҳузурида тузилган Таржимонлар гуруҳининг фаолияти алоҳида эътиборга сазовор.

— Ташкилотлар ва корхоналарнинг муҳр ва тамғалари, расмий иш қоғозлари, ҳужжатлари матнларини ўзбекчалаштириш гуруҳимизнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Таржималарнинг сифатли, ҳозирги талабларга муносиб бўлиши учун чуқур билимларга эга мутахассис таржимонлар керак, албатта. Шу мақсадларда таржимашунослик, атамашунослик, тилшунослик соҳалари бўйича кўп йиллар давомида тадқиқотлар олиб борган муайян ихтисосликлар бўйича юқори малакали олимларни гуруҳимизга жалб этганмиз. — дейди таржимонлар гуруҳининг етакчиси Зуҳуриддин ака Исомиддинов. — Ҳамкасабаларимиз қаторида республика Атамашунослик қўмитасининг аъзолари ҳам борлигини таъкидлаб ўтишни истардим. Таржимонларимиздан филология фанлари номзодлари А. Мадвалиев, Н. Маҳкамов, Ҳ. Бектемиров, Ҳ. Исмоилов шулар жумласидандир.

Ўтган вақт мобайнида Тошкент шаҳри ва вилоятидаги бир қанча корхона, ташкилот ва муассасаларга тегишли муҳр, тамға, иш қоғозлари ва ҳужжатлари, пешлавҳалар матнлари расмий услубда ўзбекчалаштириб берилди.

Шуни айтиб ўтиш керакки, идора-маҳкама қоғозларини расмий услубда ўзбекчалаштириш жуда мураккаб, сермашаққат иш. Бунинг учун ўзбек тилининг сўз бойликларини мукаммал билиш, турли-туман атамалардан, тарихий сўзлардан хабардор бўлиш талаб қилинади. Тил ва адабиёт институти ҳузуридаги ихтисослашган Таржимонлар гуруҳи аъзолари ҳам масъулиятни ҳис қилган ҳолда ўзбек тилининг амалиётга жорий қилинишида ўз ҳиссаларини қўшишмоқда.

**Д. ШАРИПОВА.**

